Сунъий хид (хлорли, фенолли, нефтли, хлорфенолли ва бошқалар) сувларга тозаланмаган чиқинди сувлар тушишидан ҳосил бўлади.

Сувнинг хиди ва мазаси унга қўшиладиган тоза сув миқдорига қараб аниқланади. Сув мазаси ва хиди шартли беш балли шкала бўйича ўлчанади:

- 1) жуда кучсиз,
- 2) кучсиз,
- 3) сезиларли,
- 4) аниқ,
- 5) кучли.

Ер ости ва ер усти сувларининг химиявий таркиби ҳар хил бўлиб, қуйидаги асосий кўрсаткичлари билан: оксидланиши, қурук

қолдиқ бўлиши, ишқорийлиги, қаттиқлиги, таркибида темир, марганец, хлоридлар, фторлар ва бошқа моддалар борлиги билан характерланади.

Қуруқ қолдиқ дейилганда сувдаги органик ва ноорганик моддаларнинг (газлардан ташқари) умумий миқдори (ҳар литрида миллиграмм) тушунилади. Уни аниқлаш учун маълум миқдордаги сув буғлантирилиб, қолган қолдиқ $105-110^0$ да оғирлиги ўзгармайдиган бўлгунича қуритилади.

Сувнинг қаттиқлиги сувда эриган кальций ва магний тузларининг оғирлиги билан характерланади. Сувнинг қаттиқлиги сувни ишлатиб бўлиш-бўлмаслигини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Сувнинг қаттиқлиги умумий, карбонатли ва карбонатсиз қаттиқликларга бўлинади. Умумий қаттиқлик дейилганда карбонатли ва карбонатсиз қаттиқликлар йиғиндиси тушунилади. Карбонатли қаттиқлик дейилганда сувдаги кальций ва магнийнинг карбонатли ва бикарбонатли тузлари борлиги тушунилади.

Карбонатсиз қаттиқлик дейилганда сувдаги кальций ва магнийнинг карбонатсиз тузлари сульфатлар, хлоридлар, нитратлар ва силикатлар борлиги тушунилади. Сувнинг қаттиқлиги литрига миллиграмм-эквивалент билан ўлчанади.

Сувнинг реакция активлиги сувдаги водород ионларининг кўп ёки камлигини характерлайди, сувнинг кислотали ёки ишқорийлик хусусиятини кўрсатади.

Сувда водород ионларининг кўп ёки кам бўлиши рН билан белгиланиб, бу ифода сувдаги водород миқдорининг тесқари логарифмини кўрсатади. Нейтрал реакцияда $pH=7$, кислотали реакцияда $pH<7$ ва ишқорийли реакцияда $pH>7$ бўлади.

Сувнинг ишқорийлиги литрида миллиграмм-эквивалент билан ўлчаниб, сувдаги бикарбонат, карбонат, гидрат ва кучсиз кислота тузлари борлигидан далолат беради, шунинг учун сув бикарбонатли, карбонатли ҳамда гидратли ишқорийликларга ажратилади.

Оксидланишида кислород литрида миллиграмм-эквивалент билан ўлчаниб, бу сувдаги органик ва тез оксидланадиган ноорганик моддалар борлигини кўрсатади.

Темир, ҳар литрда миллиграмм билан ўлчаниб, у сувда темир (II)- оксид ёки темир (III)- оксид борлигини характерлайди. Ер ости сувларида темир кўпинча эриган 2 валентли ҳолда учрайди, ер

бетидаги сувларда эса коллоид ва бошқа моддалар билан бириккан ҳолда ва яна нордон гумин темир ҳолида учрайди.

Марганец, литрида неча миллиграмм бўлишига қараб аниқланиб, кўпинча темир билан бирга бикарбонатли темир (II)-оксиди ҳолида учрайди.

Силикат кислота, литрида неча миллиграмм бўлишига қараб аниқланиб, ер бети ва ер остидаги сувларда ҳар хил: бирикма ҳолидаги турлардан тортиб ион кўринишгача учрайди. Таркибида силикат кислота бўлган сувларни юқори босимли қозонларга солиб бўлмайди.

Азотли бирикмалар сувда нитрат (HNO_3) ва нитрит кислота (HNO_2) ҳамда аммиак ҳолида учрайди. Сувда бу моддаларнинг бўлиши унинг чиқинди сувлар билан ифлосланганлигини кўрсатади. Сувда аммиак бўлса сув яқиндагина ифлосланган, нитрат кислота бўлса сув ифлосланганига анча вақт ўтган бўлади. Юқоридаги ҳоллар муҳофаза қилинмаган очик сув ҳавзаларида учрайди.

Юқоридаги бирикмалар чиқинди сув ташланишидан муҳофаза қилинганда ҳам бўлса, у ҳолда сувдаги бу моддалар ноорганик бирикмалардан ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

Хлоридлар ва сульфатлар (литрида миллиграмм) ер ости ва ер усти сувларида натрий, кальций ва магний тузлари ҳолида учрайди.

Йод ва фтор (литрида миллиграмм) ер ости ва очик сув ҳавзаларида соф ҳолда учрайди. Бу моддаларнинг аҳоли соғлиги учун гигиеник аҳамияти жуда катта.

Эркин газлар кислород, водород сульфид, карбонат кислота ер ости ва ер бетидаги сувларда катта ораликда учрайди.

Сувда кислород билан карбонат кислотанинг бўлиши сувнинг ичимлик хусусиятига таъсир қилмаса ҳам, металлларни занглатади, бетонларни емиради. Сувда водород сульфид бўлса, ундан сассик хид келади ва бундай сувлар металлларни занглатади.

Сув бактерия ва вируслар билан унга тозаланмаган чиқинди сувлар тушишидан ва ёмғир қирғоқларни ювиб тушишидан, одамларнинг чўмилишидан ҳамда ҳайвонларнинг суғориш вақтида ифлосланади. Сувнинг бактерия билан ифлосланганлиги бир миллилитр сувдаги бактериялар сони билан ҳарактерланади.

Аҳоли ичадиган ва хўжаликда ишлатиладиган сув сифатига давлат стандарти бўйича қуйидаги талаблар қўйилади: лойқалиги ҳар литрида 1,5 миллиграммдан кўп бўлмаслиги;

тиниқлиги ҳарф сув остига қўйиб қаралганда 30 см дан кам бўлмаслиги;

ранги платин-кобальт шкаласи бўйича 20⁰ дан катта бўлмаслиги;

мазаси ва хиди 20⁰ дан 2 баллдан кўп бўлмаслиги;

темир миқдори литрида 0,3 миллиграммдан кўп бўлмаслиги;

фтор миқдори ҳар литрида 0,8—1,5 миллиграмм бўлиши;

қаттиқлиги литрида 7 мг-эквивалентдан катта бўлмаслиги керак.

Ичимлик сувининг ҳар литрида қўрғошин 0,1, сурма 0,05, мис 3, рух 5, марганец 0,3 миллиграммдан ошмаслиги керак.

Бир миллилитр ичимлик сув 24соат ичида 37⁰ да махсус озуқага солиб сақлаганда, ундан ўсиб чиққан бактериялар сони — 100 тадан, ичак таёқчаси бактеиясининг сони 1 л сувда учтадан кўп бўлмаслиги керак.

Сувнинг реакция активлиги рН 6,5 дан кам, 9,5 дан кўп бўлмаслиги керак. Сувга хлор қўшилганда сувдан хлорфеноль хиди келмаслиги зарур.

Аҳоли ичадиган ва хўжалик мақсадларида ишлатиладиган сувнинг оптимал ҳарорати 7—10⁰ ҳисобланиб, 35⁰ гача бўлган сувни истеъмол қилишга рухсат этилади.

Ичиладиган ва хўжалик мақсадларида ишлатиладиган сув манбаи давлат стандартларига мувофиқ танланади. Бу давлат стандартларига мувофиқ танланган сув манбаи сувининг ҳар литрида қуруқ қолдиқ 1000 миллиграммдан ошмаслиги керак. Бундай сув манбалари бўлмаса хлориди ва сульфати кўп сувларни чучуклаштириб ичимлик ҳолига келтириш мумкин.

Саноат корхоналари истеъмол қиладиган сувга қўйилган талаблар ҳар хил бўлиб, саноат корхонаси ишлаб чиқарадиган маҳсулотга ва ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ. Саноат корхонасида жуда кўп сув технология ускуналарини совутишга ишлатилади. Бунинг учун асосан сув қаттиқ бўлмаслиги ва мумкин қадар лойқа кам бўлиши керак. Масалан, қутичани яхлатиш қурилмаси учун сувнинг ҳар литрида 30—50 миллиграммгача, қувурли яхлатиш қурилмасида 50—400 миллиграммгача лойқа бўлишига рухсат этилади.

Назорат саволлари :

1. Сув таъминоти тарихи ва ҳозирги аҳволи.
2. Сув тозалаш усуллари нинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.
3. Ер ости ва ер устидаги сувларининг қандай хусусиятлари бор?
4. Сувнинг қаттиқлиги қандай ўлчанади.
5. Аҳоли ичадиган ва хўжаликда ишлатиладиган сувнинг сифатига қўйиладиган талабларга нималар киради?
6. Сув тозалашда энг кўп қўлланиладиган технологик схемаларни айтиб беринг?
7. Сув тозалашда қўлланиладиган технологик схемаларни бир-биридан фарқи нимада ?
8. Сувнинг ранги деганда нима тушунилади?
9. Сувнинг мазаси ва хиди қандай ўлчанади?
10. Ер ости ва усти сувларининг химиявий таркибини айтиб беринг.

26-МАЪРУЗА

Мавзу : Сувни тиндириш.Бўйлама, кўндаланг ва радиаль тиндиргичлар.

РЕЖА:

- 1.Сувни тиндиришни асосий усуллари.**
- 2. Бўйлама,кўндаланг ва радиаль тиндиргичлар.**
- 3.Тиндиргичлар ва уларни ҳисоблаш.**

Таянч сўз ва иборалар :

Ичимлик суви хосслари , сув манбаалари, ичимлик суви сифати, тиндиргичлар, тиндиргичлар ҳисоби.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ.

Сувни тиндириш усуллариға таъриф беринг.

Ушбу маърузани 1-мавзусини ўқисангиз жавобини топасиз

Тиндиргичлар асосан механик заррачаларни ва қисман органик бирикмаларни сувдан ажратиб олиш учун хизмат қилади. Улар бўйлама, кўндаланг ва радиаль турларға бўлинади. Бўйлама тиндиргичлар тўғри тўрт бурчак шаклидаги темир бетон резервуарлар (ховузлар) бўлиб, (8 схема) уларда сув бўйлама йўналишда бош қисмидан охириға қараб 5-7 мм/с тезликда ҳаракатланади. Тиндиргич бош қисмида тақсимлагич ва охириги қисмида тоза сув йиғувчи, ҳамда чўкма йиғувчи қурилмалар билан жиҳозланган.

Кўндаланг тиндиргичлар квадрат ёки айлана шаклидаги темир бетон резервуарлар бўлиб, (9 схема) уларда сув пастдан юқориға 2-4 мм/с тезликда ҳаракатланади. Тиндиргич ўртасида тақсимлагич труба чекасида эса сув йиғувчи қурилмалар билан жиҳозланган. Унинг туби 60° қияликдаги конус шаклида бўлиб, чўкмани йиғиб ва олиб кетилишини таъминлайди. Радиаль тиндиргичлар айлана

шаклидаги темир бетон резервуарлар бўлиб, уларда сув марказдан периферияга қараб 5-4 мм/с тезликда ҳаракатланади. Унинг марказида тақсимлагич перифериясида эса, сув йиғувчи лотоклар мавжуд. Тиндиргич чўкма йиғувчи айланувчан қурилма билан жиҳозланган.

Ушбу ишда лаборатория шароитида қаттиқ жисмларни чўкиш тезлигини ва қаршилик коэффицентини аниқлаш билан тиндиргичларда чўкиш жараёни ўргатилади. Бунда чўкиш тезлиги:

$$V = \frac{U}{3} q \frac{\rho_{\text{бл.жс}} - \rho_{\text{суб}}}{K_{\text{к.жс}}} \cdot d_{\text{к.жс}} = \frac{4}{3} \cdot \frac{\gamma_{\text{к.жс}} - \gamma_{\text{суб}}}{K_{\text{к.жс}}} \cdot d_{\text{к.жс}}$$

V - қаттиқ жисм чўкиш тезлиги, мм/с;

$d_{\text{к.жс}}$ - қаттиқ жисм (шарсимон)диаметри, мм;

q – эркин тушиш тезланиши;

$K_{\text{к.жс}}$, $V_{\text{суб}}$, $\mu_{\text{суб}}$, $\gamma_{\text{суб}}$ – қаттиқ жисм ва сувнинг зичлиги ва солиштирма оғирлиги;

$K_{\text{к.жс}}$ – чўкаётган жисм қаршилик коэффицентини.

Қаршилик коэффицентини $K_{\text{к.жс}}$ Рейнольдс сонига (Re) ,боғлиқ ва $2 < Re < 50$ бўлганда қуйидагича аниқланади.

$$K_{\text{к.жс}} = \frac{18,5}{Re^{0,76}}$$

$$\text{Бу ерда: } Re = \frac{v d_{\text{к.жс}} \rho_{\text{суб}}}{\mu_{\text{суб}}} = \frac{v d_{\text{бл.жс}}}{v_{\text{суб}}}$$


$\mu_{\text{суб}}$, $v_{\text{суб}}$ – сувнинг динамик ва кинематик ёпишқоқлик коэффицентлари.

Агар $Re > 500$ бўлса:


$$V = 33(v_{\text{кт}} - h_{\text{суб}})d_{\text{кт}} \text{ бўлади.}$$

вақтда сувдаги зарралар зичлиги сув зичлигидан катта бўлган Сув оқмасдан турган вақтда ёки кичик тезлик билан оқаётган ҳар хил жинслар ўз оғирликлари таъсирида сув тагига чўкади. Сув кичик тезлик билан ҳаракат қилаётган вақтда тиндирувчи ҳовузларда сувдаги жинсларни чўктириш йўли билан сувни тозалаш шу принципга асослангандир.

Қирқим



8-схема Бўйлама тиндиргич



9-схема. Кўндаланг тиндиргич.

Сувдаги ҳар хил жинс заррачалари турлича тезликда чўкади, заррачаларнинг чўкиши уларнинг шаклига, катталигига, зичлигига, юзасининг текислигига, сув ҳароратига боғлиқдир.

Сув ҳарорати 10^0 бўлганда жинсларнинг секундига миллиметрларда чўкиш тезлигини заррачаларнинг гидравлик катталиги дейилади. Заррачаларнинг гидравлик катталиги ошиши билан сувни керакли даражада тозалаш вақти камаяди ё бўлмаса сувнинг тиндиргичларда туриш вақти камаяди.

Сув тиндириляётган вақтда олдин жинс заррачаларининг чўкиш жараёни тез боради. Оғир жинсли заррачалар чўкиб бўлганидан кейин қолган заррачаларнинг чўкиши узок давом этгани учун бу жараённи кутиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланади, чунки кейинги чўкиш жараёнларида жуда кам лойқа чўкади ва ҳажми катта тиндирувчиларни қуриш керак бўлади.

Демак, сувни тиндирувчиларда тозалашга кўп вақт кетади. Шунинг учун амалда сувни қанча тозалаш олдиндан белгилаб олиниб, шунга асосан тиндирувчининг ҳажми аниқланади.

Ҳар хил сувларда жинс заррачаларининг гидравлик катталиги турлича бўлади, уни аниқлаш учун тиндирувчи қуриладиган сувда технологик тажрибалар ўтказилади ёки худди шу сувда ишлаётган тиндирувчилар самарадорлигига қараб лойиҳаланади.

Тиндирувчиларни ҳисоблаганда жинслар заррачаларининг гидравлик катталиги Қурилиш Нормалари ва Қоидалари бўйича қуйидагича бўлади: гуллаган, ҳар литрида жинслар миқдори 50 миллиграммгача бўлса, сувга коагулянт қўшилганда секундига $U_0=0,35—0,45$ мм, ҳар литр лойқа сувдаги жинслар миқдори 250 миллиграммдан кўп бўлса, коагулянт қўшилганда секундига $U_0=0,5—0,6$ мм, лойқа сувга коагулянт қўшилмаганида секундига $U_0=0,12—0,15$ мм олинади.

Тиндирувчи олдида чўкиндили реакция камераси олинса, у ҳолда гидравлик тезликларни 20—30% ошириш мумкин.

Тиндирилаётган сувнинг йўналишига қараб тик, Бўйлама ва радиаль тиндирувчи ҳовузлар қўлланилади.

Тиндирувчиларда лойқа заррачалари чўкадиган тиниш зонаси ва чўкма йиғиладиган зоналар бўлиши кўзда тутилади.

Тик тиндирувчи ҳовуз—темир-бетондан доира ёки тўрт бурчак шаклида ясаиб, таг қисмида конуссимон бўлади. Конус ҳосил қилувчи бурчак $50—70^{\circ}$ дир. Ҳовузнинг ўртасига темир-бетондан доира шаклида камера қурилган, у реакция камераси вазифасини бажаради. Реакция камерасига сув юқори томондан берилади; сув тиндирувчи ҳовуз тагиги етгач, у секин юқорига кўтарилади ва иншоот тепасида диаметри 12 м дан катта бўлганида радиаль қурилган тарновлар орқали йиғиб олинади, лойқа зарралари эса ҳовуз тагига чўкади.

Сувнинг иншоотда кўтарилиш тезлиги лойқа заррачаларининг чўкиш тезлигидан камроқ бўлганида сув яхшироқ тозаланади. Сувнинг кўтарилиш тезлиги кўпинча секундига 0,00035—0,0006 м бўлади.

Тик тиндирувчи ҳовузнинг юзасини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$F_0 = F + f = \beta \frac{q}{3,6V} + \frac{q \cdot t}{60 \cdot H_k},$$

бу ерда F — тиндирувчи ҳовузнинг реакция камерасига ҳисобга олинмаган юзаси, m^2 ;

f — реакция камераси юзаси, m^2 ;

L — тиндирувчи ҳовуз ҳажмидан фойдаланиш коэффиценти; бўлиб, ҳовузда сувнинг қандай тақсимланишига боғлиқ. Ҳовуз

диаметрининг чўкиш зонаси баландлигига нисбати $\frac{D}{H} = 1—1,5$ га тенг

бўлганда $L=1,3—1,5$ олинади;

q — тиндирувчи ҳовузнинг сув тозалаш қуввати, соатига куб метр;

H_k — реакция камерасининг баландлиги 0,9Н га тенг.

H — лойқа заррачаларининг ҳовузда чўкиш зонаси баландлиги, м;

t —сувнинг реакция камерасида туриш вақти, 15—20 минут;

V — сувнинг ҳовуздан кўтарилиш тезлиги, секундига миллиметр.

Бўйлама тиндирувчи ҳовуз—планда тўртбурчак шаклида бўлиб, асосан темир-бетондан қурилади. Бўйлама ҳовузларда ичиш учун сув тозаланаётган вақтда, тозаланиб чиқаётган сувнинг лойқалиги литрига 8—12 миллиграммдан ошмаслиги керак. Бундай лойқа сув филътрга юборилади.

Сув саноат корхоналарида технология жараёнида ишлатиладиган бўлса, уни филтрга юбормай тиндирувчидан чиққач, тўғридан-тўғри ишлатилаверади.

Горизонтал тиндирувчи ҳовузлар қурилмоқчи бўлса, чўкинди ҳовузлар ишини тўхтатмасдан гидравлик ёки механик усуллар қўлланиб, уни чиқариб ташлаш кўзда тутилган бўлиши керак.

Тозаланган сув тиндирувчининг оқимиغا нисбатан охириги деворидан олинса, у ҳолда тиндирувчи ҳовузнинг юзасини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$F = \frac{\alpha q}{3,6 U_0} ,$$

бу ерда U_0 —сувдаги лойқа заррачаларнинг чўкиш тезлиги, у секундига миллиметрда олинб, қиймати ҳар хил сувлар учун қуйидагичадир: унча лойқа бўлмаган, гуллаган сувлар коагулянт қўшиб тозаланса секундига 0,35—0,45 мм, ўртача лойқа сувлар коагулянт қўшиб тозаланса 0,45—0, лойқа сувлар коагулянт қўшиб тозаланса 0,5—0,6 мм, лойқа сувлар коагулянт қўшмасдан тозаланса 0,12—0,15 мм олинади.

L -- заррачаларнинг чўкиш тезлигига салбий таъсир этувчи коэффицент бўлиб, бунда сувнинг қалқиб туриши ҳисобга олинади ва у қуйидаги формула билан аниқланади.

$$V = \frac{U_0}{U_0 - \frac{V_{урт}}{30}} ,$$

бу ерда $V_{урт}$ – сувнинг ўратча Бўйлама оқиш тезлиги. Секундига миллиметр, у қуйидагича олинади:

$$V_{урт} = K U_0$$

бу ерда K – тиндирувчи узунлиги L нинг тиндирувчида лойқа заррачалари чўкиш қисмининг баландлигига нисбати бўлиб, у қуйидагича олинади:

L/H	10	15	20	25
K	7,5	10	12	13,5
V	1,33	1,5	1,67	1,82

Тиндирувчи эни $B_{тинд}$ метр ҳисобида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$B_{тинд} = \frac{q}{3,6 V_{урт} H N} ,$$

бу ерда $V_{\text{урт}}$ – тиндирувчидаги сувнинг ўртача тезлиги, секундига миллиметр;

H – тиндирувчининг баландлиги, кўпинча 2,5—3,5 м олинади;

N – ҳисобланган тиндирувчилар сони.

Тиндирувчи ҳовузлар эни 6 м дан ошмаслиги керак, ундан ошса энининг ҳар 3—6 м да узунасига юпқа деворлар қурилади.

Бўйлама тиндирувчининг чўкинди йиғиладиган қисмининг ҳажми $W_{\text{тинд}}$ тиндирувчининг тозалашлар орасидаги вақтга боғлиқ, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_{\text{тинд}} = \frac{249q_{\text{coam}}(c - m)}{N g} \cdot T.$$

Тозалашлар ўртасидаги вақт T —12 соатдан кам бўлмаслиги керак, тиндирувчи сувдан бутунлай тозаланадиган бўлса, T —24 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Бу ерда $W_{\text{тинд}}$ – тиндирувчининг чўкинди йиғиладиган қисмининг ҳажми;

g -- сиқилган чиқиндининг ўртача суюқлиги;

C – сувдаги лойқанинг умумий миқдори. Ҳар куб метрига грамм, у қуйидаги формула ёрдамида топилади.

$$C = M + K D_k + 0,25 \Pi + B,$$

Бу ерда M —дарё сувининг лойқалиги, куб метрига грамм;

D_k —коагулянт дозаси, куб метрига грамм;

K —коагулянтнинг тозаллигини ҳисобга олувчи коэффициент, тозаланган алюминий сульфат учун 0,55, тозаланмаган алюминий сульфат учун 1, хлорли темир учун 0,8 олинади.

Π —тозаланаётган дарё сувининг гуллаганлиги, градус;

B —сувга оҳак қўшилганда, унинг таркибидаги эримайдиган моддалар, куб метрига грамм, у қуйидагича аниқланади:

$$B = (1 - 0,4) D_{\text{н}}$$

Бу ерда $D_{\text{н}}$ —оҳак дозаси;

m —тинитувчи чиқаётган сув таркибидаги лойқа миқдори, куб метрига грамм, у куб метрига 8—12 грамм олинади.

Тинитувчида тозаланаётган сув тинитувчи юзасига қурилган тешик қувурлар ёки тарновлардан йиғиб олинса, бунда тиндирувчининг юзаси юқоридаги формула ёрдамида аниқланади, ва бирга тенг деб олинади, U_0 унча лойқа бўлмаган

сув учун 0,5, ўртача лойқа сув учун 0,6, лойқа сув учун 0,7—0,8 олинади.

V_{ўрт} эса тиндирувчининг олд қисми учун унча лойқа бўлмаган сувга секундига 6—8, ўртача лойқа сувга 9—12 мм олинади.

Тиндирувчи юзасига осиб қурилган тарнов ва қувурларга сув диаметри 25 мм дан кам бўлмаган тешиклардан киради, бу тешикларда тезлик секундига 1 мм дир. Тарнов ва қувурларнинг охиридаги тезлик секундига 0,6—0,8 мм бўлади.

Қувурлар ва тарновлар тиндирувчининг охиридан ҳисоблаганда тиндирувчи узунлигининг 2/3 қисмига тенг қилиб қурилади.

Тешиклар тарновлар тагидан 5—8 см юқорида бўлади, қувурлар эса тешиклар ўртада Бўйлама ўқда жойлашади.

Тарновлар ёки қувурлар орасидаги масофа 3 м, тиндирувчи ҳовуз деворидан эса 0,5 м кам бўлмаслиги ва 1,5 м дан ошмаслиги керак.

Бўйлама тиндирувчи ҳовузлар кўпинча бир-биридан сув тушаётган қисмининг ҳар хиллиги билан фарқ қилади. Кўпинча тозаланадиган сув тиндирувчига тарнов орқали тушади ва тарнов орқали чиқариб юборилади.

Тиндирувчининг олдидаги деворидан ва охириги деворидан 1—2 м масофада тешик девор қурилади, бу тиндирувчига тушаётган ва ундан чиқаётган сувнинг тезлиги бир меъёردа бўлишини таъминлайди. Девор-нинг таги эса чўкинди йиғиладиган қисмидан 0,3—0,5 м юқоригача тешиксиз бўлади.

Тиндирувчининг олд қисмига қуйқали реакция камераси қурилса, у ҳолда бўйлама тиндирувчига сув қуйидагича киради.

Кейинги вақтда таклиф қилинган бўйлама тиндирувчида 45° ли қувурли сиистема ўрнатилган бўлиб, лойқа заррачалари шу қувурга чўкиб, ундан сирғаниб пастга тушади. Чўкинди эса лебёдкалар орқали бир жойга йиғилади ва чиқариб ташланади.

Ўзбекистонда қурилган кўпчилик тиндирувчилар темир-бетондан қурилмай тупроқдан қурилган. Бундай тиндирувчиларнинг тўрт девори ич тарафга қараб нишоб қилиб қурилган. Сув тушаётган жойдаги тупроқ ювилиб кетмаслиги учун бетон плита ётқизилган. Бундай тупроқдаги қурилган тиндирувчи ҳовузлар темир-бетондан қурилган ҳовузларга қараганда анча арзон тушади. Ундан чўкинди земснаряд деб аталадиган насослар ёрдамида чиқариб ташланади, бундай

тупроқ снарядлари (земснарядлар) қайиқ ёки кичик кемачаларга ўрнатилган. Кўпина ҳовузларда бундай лойқани чиқариб ташлайдиган снарядлар ишламаётганлигидан тиндирувчиларни бир неча йиллар мобайнида ҳажми кичрайиб бораверади. У ҳовузлардан лойқани йўқотиш учун ҳовуздаги сув тўхтатилиб, ёз ойларида қуригилади, тупроқ экскаватор ёки булдозер ёрдамида чиқариб ташланади, бу эса анча вақтни олади.

Радиаль тиндирувчи ҳовуз—доира шаклида қурилган, диаметри 100 м гача бўлган иншоотдир.

Сув ҳовузга иншоот ўртасидаги қувурдан кириб, ҳовуз четига қараб ҳаракатланади, тинган сув айлана бўйлаб тарновлар орқали йиғиб олинади. Ҳовузларнинг ўртасидан кираётган сув унинг ҳамма томонига баравар тарқалиши учун ҳовузда махсус камера бор. Бу тиндирувчида чўккан лойқани сидирувчи кураклар ўрнатилган. Кураклар соатига бир икки марта айланиб, лойқани ҳовуз ўртасига йиғади, сўнггра лойқа қувурлар орқали ҳовуздан чиқариб юборилади.

Жуда лойқа сувни тозалашда кўпинча шундай тиндирувчи ҳовуздан фойдаланилади: ҳовуз кўп миқдордаги сувни тозалай олади. Ҳовузнинг афзаллиги шундан иборатки, тўпланган лойни чиқариб ташлаш учун иншоот ишини тўхтатиш талаб қилинмайди.

Радиаль тиндирувчи ҳовузнинг юзасини қуйидаги формуладан топиш мумкин:

$$F=0,21\left(\frac{Q}{U}\right)^{1,07}+f,$$

бу ерда Q – тозаланадиган сув миқдори, соатига м^3 ;

f – ўртадаги сувни тарқатувчи камеранинг сатҳи, м^2 .

Радиаль тиндирувчи ҳовуздан коагулянт қўшилмаган жуда лойқа сувни тозалаш(тиндириш)да фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Назорат саволлари :

1. Саноат корхоналарида ишлатиладиган сувларга қўйиладиган қандай талабларни биласиз?
2. Ичимлик сувининг хоссалари ва сифатига қўйиладиган талаблар.
3. Сувни тиндириш ининг асосий усуллари.
4. Тиндиргичлар ва уларни ҳисоблашни қандай усуллари биласиз ?
5. Бўйлама тиндиргичларга таъриф беринг?
6. Кўндаланг тиндиргич билан радиаль тиндиргичнинг фарқи нимада ?
7. Лойқа сувни тозалашда кўпроқ қайси усул қўлланилади ?
8. Радиаль тиндирувчи ҳовузнинг юзаси қандай топилади ?
9. Тозалашлар ўртасидаги вақт қанча бўлиши лозим ?
10. Гидравлик тезликларни қанча % гача ошириш мумкин?

27-МАЪРУЗА

Мавзу : Сувни зарарсизлантириш усуллари. Термик хлорлаш, озонлаш. Сувларнинг хусусиятлари, Ўзбекистонда ер ости сувлари

РЕЖА:

- 1. Сувни зарарсизлантириш усуллари.**
- 2. Термик хлорлаш ва озонлаш.**
- 3. Ўзбекистонда ер ости суларининг хусусиятлари.**

Таянч сўз ва иборалар:

Оқава сувлар, сувларни зарарсизлантириш, термик хлорлаш, озонлаш, кучли оксидловчилар , хлоратор қурилмаси.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ.

Сув неча усулларда зарарсизлантирилади , ҳар бирига таъриф беринг. Ушбу маърузани 1-мавзусини ўқисангиз жавобини топасиз

Сув тиндирилганда ва филтрдан ўтказилганда бактерияларнинг кўп қисмидан тозаланади. Унда қолган 5—10% бактериялар ичида зарарлилари ҳам бўлиши мумкин, шунинг учун филтрдан ўтган сув ичишга мўлжалланганида зарарсизлантирилади.

Ер ости сувлари кичик қишлоқ ва район марказларига берилаётган вақтда зарарсизлантирилмайди, катта шаҳарга кўп миқдорда берилаётган вақтдагина зарарсизлантирилади.

Сув асосан тўрт усулда зарарсизлантирилади:


1. Термик усул,
2. Кучли оксидловчилар қўлланиш усули,
3. Олигодинамия (қимматбаҳо металлларнинг ионлари таъсири),

4. Физик усул (ультра товуш, радиоактив, ультра бинафша нурлари таъсири).


Энг кўп тарқалган усул иккинчи группа бўлиб, бунда оксидловчи сифатида хлор, хлор оксидлари, озон, йод, калий перманганат, водород пероксид, натрий гипохлорит, кальций гипохлорит қўлланилади. Келтирилган моддалар ичида амалда энг кўп қўлланиладигани хлор, озон, натрий гипохлоритдир.

Хлорлаш-сувни бактериялардан зарасизлантиришнинг ишончли усулидир. Хлор таъсирида кўпгина бактериялар хужайра протплазмасидаги моддаларнинг оксидланиши натижасида ўлади. Хлорлаш усули ҳар хил сув ўтларининг кўпайишига имкон бермайди.

Сувга хлор аралаштирилганда гипохлорид кислота HClO ва хлорид кислота HCl ҳосил бўлади.



Гипохлорид кислота HClO парчаланиб туради, у беқарор модда:



- Гипохлорид иони OCl^- билан гипохлорит кислота HClO бактерияларни ўлдириш хусусиятига эга. $\text{Cl}_2 + \text{HClO} + \text{OCl}^-$ лар йиғиндиси озод актив хлор дейилади.

Сувда аммоний бирикмалари бўлса, унга аммиак аралаштирилганда монохлораминлар ва дихлораминлар NHCl_2 ҳосил бўлади, улар ҳам бактерияларни ўлдириш хусусиятига эга, лекин озод актив хлорга нисбатан узоқ вақт кучсизроқ таъсир қилади.

Сувдаги хлорамин ҳолда учраган хлорларни боғланган актив хлор дейилади.

Хлор миқдори бактериялар сонига қараб эмас, балки сувдаги бошқа органик ва анорганик моддаларнинг оксидланишига қараб олинади.

Хлор сувга озгина солинса, бактерияларнинг ҳаммаси ўлмаслиги мумкин, кўп ташланса, сувнинг мазаси бузилади. Шунинг учун сувга солинадиган миқдори ичимлик сувида тажрибалар ўтказиб аниқланиши керак.

Сувга етарли миқдорда хлор солинганлигини кўрсатувчи белги сифатида, орадан 30 минут ўтгач қолган хлор миқдори олинади. Бу қолдиқ хлор миқдори литрига 0,3-0,5 миллиграмм бўлиши керак.

Сув қанча катта бўлса, хлор шунча яхши таъсир қилади, чунки унда гипохлорид ионлари кўп бўлади.

Сувга хлор аралаштирилгандан кейин камида 30 минут туриши керак. Шу мақсадда тоза сув резервуарлари ёки сув тозалаш иншоотидан шахаргача қувур ишлатилади.

Сувга суюқ (газ ҳолатидаги) хлор аралаштирилади, кичик водопроводларда бунинг ўрнига хлорли оҳак қўлланилади.

Газ ҳолдаги хлор 6 атм. да сиқилган ҳолда баллонларда сув тозалаш иншоотларига келтирилади. Баллонларнинг ҳажми 20, 25, 30, 35, 40, 45, 50, 55 литрли ёки бочкада бўлса, унинг ҳажми 0,7-3 т бўлади.

Сув тозалаш иншоотларида тозаланган дарё сувлари филтрдан ўтказилганидан кейин унинг ҳар литрига 2-3 миллиграммдан хлор қўшилади. Ер ости сувларининг ҳар литрига 0,7-1 миллиграмм миқдорида хлор қўшилади.

Дарё суви гуллаган бўлса, унга коагулянт кам сарфлаш мақсадида тозаланмасдан олдин ҳам литрига 5 миллиграммдан хлор қўшилиши мумкин.

Хлорни сувга аралаштиришда хлоратор деган қурилмадан фойдаланилади. Хлораторнинг босимли ва вакуумли хиллари бор. Босимли хлоратор хлор газы атмосфера босимидан юқори бўлган босим таъсирида ишлайди, хлор газы чиқиб кетса, хизматчиларни захарлаши мумкин. Шунинг учун фақат вакуумли хлоратор қўлланилмоқда. Уларнинг қуввати соатига: 0,04-25,4 кг бўлган ЛК-10; 4,5-120 кг бўлган ЛК-11; 0,08-82 кг бўлган ЛОНИИ-100; 3,5-25 кг бўлган ХВ-11 Вечерский системасидаги хиллари мавжуд.

ЛОНИИ-100 хлораторида хлор босимли редуктор орқали 0,1- 0,2 атм. га туширилади, эжектор орқали эса вакуум ҳосил қилинади, шунинг учун хлор газы бу қурилмадан хонага тарқалмайди.

Ишлаб турган хлораторлар сони 4 тагача бўлса, 1 та қўшимча хлоратор, 6 тагача бўлса ,2 та қўшимча хлоратор олиниши керак.

Одатдаги шароитда 1 та баллондан соатига 0,5-0,7 кг хлор олиш мумкин. Баллон иссиқ сув ёки иссиқ ҳаво билан иситилса 1 та баллондан олинадиган хлор миқдори 5 кг гача ошади.

Бочкалардан эса бочканинг ён деворининг ҳар кв. м юзасидан соатига 3 кг гача хлор олинади.

Хлоратор қурилмаси жойлашган хона бошқа хоналардан ажратилган ва унда ичидаги ҳавони 12 марта алмаштира оладиган вентиляция қурилмаси қурилган бўлиши керак.

Хлорли оҳак ишлатилганда у сувда парчаланиб, кальций гипохлорид $\text{Ca}(\text{ClO})$ ва кальций хлорид $\text{CaCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ ҳосил қилади. Кальций гипохлорид гидролизланиб, гипохлорид кислота ва ўз навбатида қисман гипохлорид ионлари ҳосил қилади.

Хлорли оҳак сувга 1-15 % ли эритма ҳолида аралаштирилади. Бунда коагулянтни сувга эритиш ва аралаштиришда ишлатиладиган қурилмалардан фойдаланилади. Хлорли оҳак занглатиш хусусиятига эга бўлгани учун баклар пластмасса, ёғоч, темир-бетондан қурилади, жиҳоз ва қувурлар полиэтилен ва винипластдан қурилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Ўзбекистон территориясида сув манбаалари у қадар кўп эмас. Ёнғин-сочиннинг кам ёғиши, ёзнинг қуруқ келиб узок давом этиши натижасида тупроқдаги намлик кўпинча буғланиб кетади. Ер ости сувлари (дарё) кўллар ҳам Ўзбекистонда кўп эмас. Масалан, мамлакатимиз территориясининг қарийиб тўртдан бир қисмини эгаллайдиган Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистонда МДХдаги барча сув захираларининг атиги 2% и жойлашган. Йирикроқ дарёлар аҳоли кам яшайдиган шимолий ва шарқий районларга тўғри келади (мамлакатимиздаги барча дарё сувларининг 86% и ана шу шимолий ва шарқий районлардадир).

Гидрогеологларнинг ҳисобларига кўра, яқин келажакда республикамизда янги ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан сув танқислиги олдинроқ рўй бериши мумкин. Сувнинг сифатини яхшилаш муаммоси, айниқса актуал тус олмоқда. Ер усти ва ер ости сувлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам сувларнинг камайиб кетиши ва ифлосланишини олдини олиш, улардан рационал фойдаланиш лозим. Дарё ва кўл, сув омборлари, ховузларнинг сувларига нисбатан ер ости сувларини қўллашнинг бир қанча афзалликлари бор: биринчидан, ер ости сувлари бошқа сув манбалари бўлмаган жойларда, масалан, ер

шарининг курғоқ чўл зонасида чўлларда ва чала чўлларда учрайди,иккинчидан,ер ости сувлари ҳамма даврларда ҳам бир хил бўлади,дейиш мумкин.Масалан,ер усти сувлари тугаб қоладиган ёзги курғоқчилик пайтларда ҳам бу дарёларнинг текислик қисмида март-апрель ва июль- ҳам ер ости сувларидан бемалол фойдаланиш мумкин,учинчидан,ер ости сувлари қалин қатламдан сизиб ўтади.Ер усти сувлари эса водопровод шахобчаларига етиб келгунга қадар жуда мураккаб ва узок вақт тозаланади;бассейнларда узок тиндирилади,махсус филтрлар орқали филтрланади,бу эса сувнинг тозаланиш жараёнини анча мураккаблаштиради.Бундан ташқари,дарёлардан сув олиш учун кўпинча тўғонлар ва бошқа иншоотлар қуриш керак.

Гидроузел,баъзан эса сув омбори қурилмасдан туриб,дарёдан сув олиб бўлмайди,бунинг устига сув манбалари истеъмолчиларга етиб боргунча ўнларча ва,хатто,юзларча километр масофада махсус қувурлар қуришга тўғри келади.

Бундай қувурлар жуда мураккаб бўлиб,қимматга тушади.Қувур бўйлаб ҳар жой-ҳар жойга назорат қилиб турадиган қудуқлар,камераларва бошқалар қуриш лозим.Энг муҳими,сувни баландга кўтариш учун насос станциялари қурилади.

Ер ости сувлари эса истеъмолчининг ёнида ёки яқинида бўлиши мумкин. Ер остидан сув олиш ҳам қийин эмас. Сув олинадиган қудуққа теварак атрофдаги қатламлардан ўнларча километр наридан ҳам сув келиб туради. Ўзбекистон учун ер ости сувларининг аҳамияти бениҳоя ката. Шу нуқтаи назардан ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва улардан рационал фойдаланиш муҳим масаладир. Хозирнинг ўзидаёқ ер усти сувларида ифлосланиш ҳолатлари учрайди. Шунинг учун ҳам ер ости сувларидан фойдаланиш кечиктириб бўлмайдиган муаммога айланмоқда. Ўзбекистоннинг ер ости сувлари пайдо бўлиши, жойлашиши, сифати ва миқдори жиҳатдан бири-биридан кескин фарқ қилади.

Бу эса территориянинг табиий-географик хусусиятлари ва геологик тузилиши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон ер ости сувлари ниҳоятда нотекис тақсимланган. Республикамизнинг текислик қисмида оқар сувлар деярли йўқ.Тоғлик қисмида эса жуда кўп.Дарёлар асосан баланд тоғлардаги қорлардан сув олади.Музликлар билан ёмғир сувлари дарёларни тўлдиришда муҳим аҳамиятга эга.Ер ости сувлари ҳам оқар сувларнинг пайдо бўлишида ката роль ўйнайди.Ўзбекистон ер ости

сувларининг ташкил топишида, сой жилғаларининг роли ер усти сувлари билан ер ости сувларининг ўзаро муносабатига боғлиқдир.

Ўзбекистондаги энг йирик дарё системалари-Амударё билан Сирдарё қор ва музликлардан сув олади. Шунинг учун август ойларида сув, айниқса кўп бўлади.

Амударёнинг қуйи оқимида секундига ўрта ҳисобда 1500 м^3 , Сирдарё этагида эса секундига 500 м^3 сув оқади. Ер ости сувлари турли сабабларга кўра ер юзига оқиб чиқади. Қорасув деб аталадиган ана шундай сувлар суғоришда ва сув таъминотида ишлатилади.

Амударё дельтасида шўр кўллар жуда кўп. Мирзачўлнинг ғарбий қисмида шўр тузкон кўли жойлашган. Бу кўлларнинг суви шифобахш хусусиятга эга. Фарғона ботиғида ва Амударё этагида ҳам шифобахш кўллар бор. Республикамизда сув танқислиги ер ости сувларидан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун мумкин қадар тўла фойдаланишни кун тартибига кўяди. Гидрогеологлар шаҳарларни, аҳоли яшайдиган пунктларни, ишчи посёлкаларни ҳамда қишлоқ хўжалик объектларини сув билан таъминлаш манбаи ҳисобланган ер ости сувларини ўрганиш ишига катта ҳисса қўшдилар.

Ер ости сувлари шу билан бирга саноат корхоналарини сув билан таъминлаш, экинларни суғориш ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ерларга сув чиқариш учун хизмат қилади. Асосий

катламлардаги сув миқдори секундига $900-1000 \text{ м}^3$ деб аниқланди. 26 мингдан ортиқ ишга туширилган пармаланган қудуқлар, юқорида айтилгани каби, йилига секундига $123,48 \text{ м}^3$ сув олади. Бу эса шу территориядаги сув миқдорининг 13% дир. Бироқ, шаҳар, район марказлари, посёлкалар, қишлоқдаги аҳоли яшайдиган пунктларни ичимлик суви билан таъминлаш учун энг кўп ер ости суви сарфланади. Аҳоли яшайдиган пунктларда турар жой биноларининг 40% дан 70% гачаси водопровод шохобчалари билан таъминланган. Буларнинг деярли ярми сувни ер остидан олади. Республикада ер ости сувларининг аниқланган ва назарий ҳисоблаш йўли билан топилган миқдори улардан деҳқончилик эҳтиёжлари учун қисман фойдаланишга имкон беради. Маълумки, деҳқончиликда ер усти ва ер ости сувларидан жуда кўп фойдаланилади

Назорат саволлари :

- 1. Сув нима учун зарасизлантирилади ?**
- 2. Сув неча хил услда зарарсизлантирилади ?**
- 3. Саноатда энг кўп тарқалган зарасизлантириш усулларини айтиб беринг?**
- 4.Кучли оксидловчилар қўллаш усули хақида нималар биласиз ?**
- 5. Сувни зарарсизлантириш усуллари ва аҳамияти ?**
- 6. Хлорлаш усулига таъриф беринг?**
- 7. Хлорни сувга аралаштиришда қайси қурилмадан фойдаланилади ?**
- 8. Хлорли оҳак нима учун қўлланилади?**
- 9. Ер ости сувлари нима учун зарасизлантирилади ?**
- 10. Сувга солинадиган хлорнинг миқдори қанча бўлиши керак ?**

.

28-МАЪРУЗА

Мавзу : Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш усуллари.

Оқава сувларни саноатда тозалаш.

РЕЖА:

1.Асосий вазифалар.

2. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сув ресурсларни муҳофаза қилиш,оқава сувларни саноатда тозалаш.

Таянч сўз ва иборалар:

Сув ресурслари, тармоқлари, эрозия селга қарши , сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан фойдаланиш, асосий чоралар.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ.

Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланишнинг асосий вазифаларини санаб беринг?
Ушбу маърузани 1-мавзусини ўқисангиз жавобини топасиз

1. Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш шаклий лойҳасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Дарё хавзасининг бир кисмини, дарёни ирмоғини ёки канални таъсир минтақасининг табиий шароитини таърифлаш.

1.2. Ҳалқ хўжалигининг ҳар хил тармоқларини, уларнинг турли ривожланиш давлари учун, сувнинг миқдорига, сифатига ва сув истеъмоли режимига бўлган асосий талабларини аниқлаш, сув истеъмолига, чиқинди сув чиқориш меъёрларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш, сувдан қайта ва кетма-кет фойдаланиш

имкониятини аниқлаш, сувнинг кайтмас сарфланиш ҳажмини аниқлаш, ҳамда уни кискартириш йўллариini белгилаш.

1.3. Айрим сувдан фойдаланувчиларнинг талабларини ўзаро боғлаш ва улар орасида сувдан юқори самарали ва тежамли фойдаланувчиларни ажратиш.

1.4. Ҳалк хўжалигини алохида ҳисоблаш босқичлари бўйича сув хўжалик мувозанатини ишлаб чиқиш ва шу асосда улар орасида энг юқори сув танқислигини сезувчи туманни биринчи навбатда ажратиш.

1.5. Сувнинг салбий таъсирини (эрозияга қарши, селга қарши ва бошқалар) бартараф қилиш чораларини белгилаш.

1.6. Белгиланган чораларнинг сув ресурсларига таъсирини баҳолаш, сув артериаларини ва сув хавзаларининг сувини камайиб кетишидан ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш асосий чораларини белгилаш, техник чораларни ишлаб чиқиш ҳамда чиқинди сувларини қайта ишлатишни назарда тутиш керак.

1.7. Йирик сув хўжалик чораларининг ўтказилиши белгиланган минтака ва вилоятларда табиий шароитининг ўзгаришини баҳолаш.

1.8. Лойиҳа тузиладиган майдоннинг табиий шароити таҳлили иқтисодининг ташкил топиш тарихи, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолати, истиқболлари ва уларнинг техникавий ва ташкилий асосларини баҳолаш. Бу масаланинг сув истеъмолчилари ва сув хўжалигининг келажагини ва унинг учун зарур чоратadbирларни белгилашдаги ўта аҳамиятлилиги шундаки, майдон табиий шароити ва бойликларини, бу шароитда аҳолини ва унинг иқтисодининг ихтисослашуви, келажаги ва улар ҳисобига аҳоли талабини қондириш имкониятлари аниқланиши мутлоқ мумкин эмас. Майдон иқтисодини жадал усулда ривожлантиришга фақат табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ўтган даврда бу соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш йўли билангина эришиш мумкин.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш деб, табиат муҳофазаси ҳақидаги барча қонун ва қоидаларга тўла риоя қилган ҳолда улардан фойдаланиш жамиятга фақат ҳозирги кунда эмас, балки тасаввур қилиш мумкин бўлган узоқ келажакда ҳам энг юқори самара олишни таъминловчи фойдаланишга айтилади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишга улар ресурслардан **мукаммал (комплекс) фойдаланилгандагина** эришиш мумкин. Сув манбааларининг ҳамма фойдали хосса ва

хусусиятларидан бир вақтда ёки кетма-кет иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш улардан мукаммал фойдаланиш дейилади.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш деб, улар хоссаларининг бузилиши ва ифлосланиши, беҳуда сарфланиши ва барвақт камайиб кетишини бартараф қилишга йўналтирилган ҳукукий, ижтимоий, ташкилий, техник ва иқтисодий тадбирлар мажмуасига айтилади.

Сув ресурслари тежамкорлиги деб, уларнинг муҳофазаси ҳақидаги қонун ва қоидаларга тўла амал қилган ҳолда бажарилган иш ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига уларни иложи борица кам сарфланишини таъминлашга айтилади.

Сув ресурсларини бошқариш деб, уларни макон ва вақт давомида тарқалишини истеъмолчи талабига мослаштиришга айтилади.

Умуман олганда сув манбааларининг фойдали хосса ва хусусиятлари оддий сўзлар билан ифодаланган қуйидаги 6 гуруҳга бўлиниши мумкин :

1. Сув – оддий сув сифатида аҳоли сув таъминоти, саноат суви, суғориш суви, яйлов сув таъминоти каби истеъмолчилар талабини қондириш учун фойдаланилади.

2. Сув - энергия манбаи. Маълумки ҳаракатдаги ҳар қандай сув маълум гидравлик (оқим) қувватига эга бўлиб, турли тузилишдаги гидравлик электр станциялари ёрдамида электр қувватига айлантирилади ёки турли қурилмалар орқали механик ишларни бажаришда фойдаланилади.

3. Ер ости сувлари эса маълум миқдорда иссиқлик қувватига эга. Бунинг сабаби ернинг иссиқлик хоссаси бўлиб, у геотермик зина ёки геотермик градиент кўрсаткичлари орқали ифодаланади, оддий ҳолда ҳар 100 м чуқурликда ҳароратни 3°C га ошиши аниқланган. Бу тартиб магма ўчоғлари ер юзига яқин жойлашган майдонларда бузилиб аномал ҳароратли сувлар ҳосил бўлади (Камчатка ярим ороли, Исландия, Сицилия ва шу қабилар).

4. Бу ерларда ҳосил бўлувчи ўта иссиқ термалардан уйларни иситиш, иссиқхоналар ва ҳатто геотермик электрстанциялари қуришда фойдаланилади.

Сув манбаи сув майдонини бир бўлаги сифатида балиқчилик, сув транспорти, сув спорти, дам олиш маскани каби мақсадларда фойдаланиши мумкин.

5. Сув манбаалари кишиларни соғломлаштириш, касалларни шифолаш, дам олиш воситаси. Сув хавзаси бўйида ёки унда

туристик сайёҳат қилиб дам олишнинг соғлиқ учун нақадар фойдалилиги ҳаммага маълум. Шу билан бирга табиатдаги сув мураккаб кимёвий бирикма эканлиги ва маълум таркибга эга бўлганда табиий минерал шифобахш сув бўлиши мумкин.

ОҚАВА СУВЛАРНИ САНОАТДА ТОЗАЛАШ.

Оқава сувларни турли хил чиқиндилардан тозалашда қўлланиладиган усул, ишлатиладиган жиҳоз ва қурилмаларни танлашда қуйидаги энг муҳим чора-тадбирларни эътиборга олиш муҳимдир:

-тозалаш қурилмасининг замонавий технологияга мутаносиблиги;
-тозалаш қурилмасининг фойдали иш кўрсаткичи даражаси; булар эса ўз навбатида чиқиндилардан тозаланадиган оқава сувнинг физик-химиявий, сифат ва миқдорий таркибига, қурилманинг ишлашида оқава сувни сарфлаш кўрсаткичига узвий боғлиқдир. Кўпчилик машинасозлик саноати корхоналарида оқава сувнинг таркиби ва унинг сарфлаш кўрсаткичи доимий, яъни ўзгармаслиги билан характерланади, лекин баъзи технологик жараёнларда юқоридаги характеристикаларнинг қисқа даврларда ўзгариб туриш ҳолатлари ҳам бўлиб туради, бу эса ўз навбатида иш кўрсаткичини кескин камайтириб юбориши ёки қурилманинг нормал ишлашини бутунлай издан чиқариши мумкин. Масалан, металл юзаларни термик ишлаш, химиявий цехлардан чиққан тасодифий ташландиқлар оқава сувларга келиб қуйилиши оқибатида уларнинг таркибидаги захарли оғир металллар миқдорини (концентрациясини) кескин оширишга олиб келади. Қорнинг тез эриши ҳамда ёмғир туфайли ҳосил бўлган оқава

сувлар тозалаш қурилмасига тушиб сув сарфи миқдорини кескин ошириб юборади.

Бундай ҳолларда тозалаш қурилмасининг нормал ишлашини таъминлаш учун, албатта чиқинди концентрациясини ёки оқава сувлар сарфи миқдорини ўртача ҳолатга келтириш таркиби ва миқдори турлича бўлган оқава сувларни маълум нисбатларда аралаштириш натижасида амалга оширилади. Бунинг учун тозалаш қурилмасидан олдин аралаштиргич ўрнатилиб, уни танлашда ҳисоб-китоб қилишда асосан оқава сувининг характеристикасига албатта эътибор берилади. Масалан, аралаштиргичнинг ҳисоблаш усули, чиқинди —

аралашмалар концентрацияси унинг хажмини белгилашга асосланиб, акс таъсир коэффициентига боғлиқ бўлади.

$$K_n = (C_{max} C_{cp} C - C_{cp})$$

Бу ерда C_{max} – аралашманинг оқава тасодифи ташландиқларининг энг юқори миқдори (концентрацияси);

C_{cp} -тозалаш қурилмасига юборилаётган оқава сувдаги аралашма чиқиндиларининг ўртача миқдори;

C_d -оқава сувнинг мумкин бўлган миқдори. Агар $K_n > 5$ бўлса, у ҳолда формула $V = K_n \nabla Q_\tau$ з шаклини олади.

Бу ерда ΔQ -бирданига ташланганда оқава сув сарфининг ортиши;

Агар $K_n < 5$ бўлса, хажмининг сарфи

$$V = \Delta Q_\tau z / l_n [K_n (C_{kz} - 1)]$$

Формула билан ифодаланади. Аралаштиргич хажми ҳисоблангандан кейин, секциялар сони танланади. У ҳолда

$$\Delta QH / V \leq \omega_d$$

Бу ерда H – аралаштиргич секциясининг баландлиги; $\omega_d = 0,0025$ м/с – аралаштиргичдаги ҳаракатда бўлган оқава сувнинг тезлиги.

Оқава сувларни тозалашнинг бир неча усули мавжуд ва ҳар хил классификация турлари бор. Тозалаш иншоотлари қуришда аввало шу оқава сувдаги моддалар ва уларнинг миқдори, агрегат ҳолатлари эътиборга олинади.

Назорат саволлари :

1. Сув ресурсларидан мукамал фойдаланишнинг асосий вазифаларини санаб беринг.

2. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш деганда нималарни тушунасиш?

3. Сув ресурслари қандай муҳофаза қилинади?

4. Сув ресурсларини бошқариш ва тежамкорлик нима?

5. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида улардан турли ривожланиш даври учун сувнинг миқдори қандай аниқланади?

6. Сувнинг салбий таъсирини, яни эрозияга қарши чоралари қандай белгиланади.

7. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш деганда нималарни тушунасиш?

8. Сув ресурсларининг тежамкорлиги нима?

9. Сув ресурсларини бошқариш жумласига таъриф беринг.

10. Ер ости сувлари иссиқлик қувватига ҳам эгами ?

Адабиётлар.

1. Калицун В.И. ва бошчалар. «Гидравлика водоснабжение и канализация». М. Стройиздат. 1980 г.
2. Табушкинов Ю.А. ва бошчалар «Интендное оборудование зданий и сооружений» М., Высшая школа 1989 г.
3. Кедров В.С., Лофцов Е.Н. «Санитарное технические оборудваниии зданий». М., Стройиздат.1989 г.
4. Абрамов Н.Н. «Водоснабжение», М, Стройиздат.1982 г.
5. Якувлев С.В. Жуков А.И. и др. «Канализация», М, Стоиздат 1976 г.
6. Справочник проектировщика «отопление, водопровод, канализация». т.І, М,Строиздат.
7. Тоже ”Водоснабженных мест и промышленных препятий”. М.Стоиздат. 1981 г.
8. Тоже “ Водоснабжения населенных мест и промышленных предприятий”.
9. Тоже “Внутренные системы водоснабжение и водостведения”. Киев, “Будивольник”, 1982 г.
10. СНиП 2.04.85. «Внутр водопр. и канализация зданий».
11. СНиП 2.04.02-84 «Водоснабжение. Наружные сети и сооружения».
12. СНиП 2.04.85 «Канализация. Наружные сети и сооружения».
13. Абдуллаев Т. «Ичимлик ва техник сувларни тозалаш» Т. 19.
14. М.У. к для вып. кур. работы.
15. М.У. к для вып. лаб. работы.

